



“БУ МУКАММАП ЧЕҲРА ФАҚАТ  
МЕНИНГ ЮРАГИМДА ҚОЛГАН”

6-бетла



ҚҮРҚИТИБ ДАВОЛАБ БҮЛМАЙДИ

7-бетла

# Оила Ва

Оила соғлом ва бахтли бўлса, бутун жамият барқарор ва фаровон бўлади.

Ислом КАРИМОВ

19 (1274)-сон 11 май 2016 йил

Газета 1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган

# Жамият



А.Маликов коллажи

## ҒАР(И)БОНА ЛИБОСЛАР

ёхуд “замонавийлик” ниқобидаги дидсизлик

Долзарб мавзу

Ҳар бир шахснинг кийиниш маданияти унинг маънавиятини кўрсатиб берувчи кўзгудир. Миллий либос эса миллатнинг ўзлигини, ўзига хослигини ақс эттиради. Халқимизнинг асрлар давомида шаклланган, миллий қадрият даражасига кўтарилган кийиниш одоби мавжудки, бугунги авлод ҳар қанча ўрганса, ибрат олса арзийди. Кийиниш одоби ва маданияти, миллий либосларнинг қизлар, аёллар маънавиятига таъсири, миллий ўзига хосликларни, қадриятларни унутмаслик, ёшларни “оммавий маданият” ниқоби остида кириб келаётган турли хуружлардан ҳимоя қилишнинг замонавий ва янада таъсирчан механизмларини жорий этиш мақсадида Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда маҳаллаларда “Миллий либослар — аёлларимиз кўрки”, “Кийиниш маданияти” мавзуларида давра суҳбатларини ўтказиш юзасидан қўшма қарор қабул қилди. Унга мувофиқ барча таълим муассаса-

ларининг маънавий-маърифий йўналишдаги масъул ходимлари, маҳалла маслаҳатчилари ва бошқа мутасаддилар иштирокида “Кийиниш маданияти” мавзuida Республика семинари ўтказиш; барча таълим муассасаларида “Ораста қизлар” тўғрисида фаол иштирок этаётган ёшларни рағбатлантириш тизимини жорий этиш; ҳудудлардаги маънавий-маърифий тадбирлар самарадорлигини ошириш мақсадида таълим муассасаларидаги “Қамолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати етакчилари фаолиятини рағбатлантириш; доимий равишда электрон ва босма оммавий ахборот воситалари орқали кийиниш одоби ва маданияти, миллий либослар аёлларимиз кўрки каби мавзуларида мақолалар ва интервьюлар билан иштирок этиш; амалга оширилаётган тадбирларни электрон ва босма оммавий ахборот воситалари (туман, вилоят ва Республика) орқали ёритиб бориш вазифаси белгилаб қўйилди.

5-бетла

Менинг фикримча...

ДИЛКАШ ГАЗЕТА



Хуршид Дўстмуҳаммад,  
ёзувчи, олим, публицист:

— ...Ўша кезлари мамлакатимизда чиқадиган газеталар у қадар кўп эмасди. Қутилмаганда “Оила ва жамият” пайдо бўлди-ю, назарга тушди-қолди. Бунинг бош сабаби самимий эди!

“Оила ва жамият” кўп сонли мухлислар дардини ёзишлари учун, ўй-фикрларини ўртоқлашиши учун саҳифаларини аймади. Газета шу тариха дилкаш сирдошга, дугонага ва биродарга, газета саҳифаларида исм-шарифининг кўриниши эса атоқли адибу олимдан тортиб оддий газетхон учун ҳам қувончли воқеага айланди.

Фидойи ва садоқатли муаллифлари бўлмаган нашр узоққа бормайди. “Оила ва жамият” чилар ана шу ҳақиқатни тўғри тушувиб етишди ва тўғри қилишди.

Оила – ўзбек учун мўътабар, муқаддас даргоҳ. Оиланинг қадр-қиммати, аҳамияти, гўзаллиги, нафосати, анъанаю удумлари шу қадар битмас-туганмас ҳикматларга бойки, уларни санаб ҳам, ёзиб ҳам адоғига етиб бўлмайди. Қолаверса, оилада шахслар вояга етади, улғаяди ва улар вақт-соати билан жамиятга қўшилиб кетади. Кўраёсизми, шахс, оила ва жамият! Дунё бир-бирига чамбарчас боғлиқ бўлган мазкур учлик теграсида айланади, десам заррача муболага бўлмайди. Дунёнинг тақдирини ана шу учлик муносабатлари орасида ҳал бўлади, десам ҳам ишонаверинг.

Шахс, оила ва жамият муносабатлари ўртасидаги соғломлик – дунёнинг соғломлигидир. Инсоният фаровонлигининг сарчашмасидир.

Масалага мана шу нуқтага назардан ёндашадиган бўлсак, “Оила ва жамият”дек нашрнинг зиммасида нақадар улкан вазифалар тоғ-тоғ бўлиб уйилиб ётганини ҳис этиш қийин кечмайди.

“Оила ва жамият” оила даврасида ўқиладиган газета. Ҳар қандай оила эса турли ёндаги, жинсдаги одамлардан ташкил топади. Қизиқинлар, мақсад-маслаклар хилма-хил. Шундан келиб чиқиб, газетанинг мавзуга ёндошиш услуби, баён этиш тарзи ва тили ҳаммабоб бўлгани маъқул.

Яна бир гап: инсоният ўзгаришлар, янгила-нишлар замонида яшамокда. Оила ҳам ўзгармоқда. Яшаш тарзи, мулоқот-муносабат ўрнатилган анъаналари, ҳатто ўзимиз кўнмаккан меҳр ришталарини боғлаш борасида ҳам ўзгаришлар оз эмас. Шу ва шунга ўхшаш кўндан-кўп замон ўзгаришларига тааллуқли мавзуларни омма назар-нигоҳига олиб чиқиш ҳам “Оила ва жамият”нинг вазифаси, бурчи.

“Оила ва жамият” шуниси билан севикли, ардоқли ва дилга яқин нашр.



# МАҲАЛЛАНИНГ БИР КУНИ

*Тошкент шаҳрининг Шайхонтоҳур туманида эллик йилдан буён Илғор маҳалласи фаолият юротади. Бу ер одамларининг, табииати ўзига хос. Аввало, улар бир-бирига меҳр-оқибатли, иноқ, меҳмондўст. Тарбия борасидаги ишлари ҳам ибратга арзигulik.*

Юртбошимиз “Юксак маънавият — энгилмас куч” китобида: “Барчамизга аён бўлиши керакки, қаерда бепарволик ва лоқайдлик ҳукм сурса, энг долларб масалалар ўзибўларчиликка ташлаб қўйилса, ўша ерда маънавият энг ожиз ва заиф нуқтага айланади. Ва аксинча — қаерда ҳушёрлик ва жонқуярлик, юксак ақл-идрок ва тафаккур ҳукмрон бўлса, ўша ерда маънавият қудратли кучга айланади” деб ёзади.

...Маҳалланиннг кенг Боғ кўчаси бўйлаб юриб борарканман, ҳалиям тетик, бардам Раҳима онани учратиб қолдим. Маҳалла сайлови ҳақида гап очилди. — Кўчада болаларни кўрсам, дарров етти уругини сўрайман, — дейди 97 ёшли момо. — Буям катта сабоқ. Одамни бирдан сергак тортиради. Одамлар уйимга йўқлаб келишади, уларни кўриб кўнглим тоғдек кўтарилади. Хотира ва кадрлаш куни арафасида бутун маҳалла келди. Маҳалла фаоллари, ёшлар фуқаролар йиғини раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловига тайёргарлик ҳақида гапириб беришди.

... Ҳақиқатан, маҳаллада тинчлик ва ободликни таъминлашда биз кесаларнинг алоҳида ўрниниш бор. Кўп жиҳатдан ёшлар биздан ўрناк олади. Боз устига уларга ҳушёрликни, сергакликни ўргатиш кўпни кўрганларнинг минг йиллар давомида қон-қонига сингиб кетган. Маҳалла раиси ва фаоллари доим шуни уқтиришади — огоҳ одам қарам бўлмайди.

Маҳалламизда 6962 нафар аҳоли истиқомат қилади. 2000 йили маҳалла гузарининг қурилиши тугаллангани биз қарияларнинг қувончига қувонч қўшиди: эндиликда бўш вақтимиз шу мўъжазгина гузарда ўтаётимиз. Нима янгилик, муаммо бўлса (маҳалла ичидаги), шу ерда эшитамиз, шу ерда ҳал қиламиз. Маҳалладаги кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилалар ҳолидан тез-тез хабар олиб турамыз. Ютуқларимиз ҳам ўзига яраша — Илғор маҳалласи — 2010 йили шаҳар кўригида “Энг намунали маҳалла раиси” номинациясида иккинчи ўринга лойиқ топилди. 2013 йили маҳалламизнинг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи Назира Иноятова “Эл-юрт ҳурмати” ордени билан тақдирланди. Бу албатта, маҳалладаги ижтимоий-маънавий муҳит доимий маҳалла раҳбарияти, зиёлилар назоратида эканини кўрсатади.

Маҳалла гузари томон борарканман, йўл-йўлакай Умарали ота Мансуров ҳам ҳамроҳ бўлди. Ота соқолини тутамлаб-тутамлаб гапирди.

— Икки аср шоҳиди бўлдим, — дейди 88 ёшли отахон. — Қаҳатчилик, очарчилик, уруш йилларини кўрдим. Маҳалла ҳам кичкина ватан. Шу ердаги тинчлик, ободлик бутун юртимиздаги осойишталикдан далолат беради. Бунинг қадрига етиш керак. Маҳалла гузарига йиғилсак, болалик йиллари ҳақида гаплашамиз, эргашиб келган набиралар оштиб ўтиришади. Шу болаларнинг юз-кўзига қараб ўтган кунларимиз эсдан чиққани рост бўлсин, деб қўяман ичимда. Уларга ибратли воқеалар айтиб бераман, хулоса ўзларидан. Азал-азалдан ота-боболаримиз бизларга ўргатган, энди уларнинг ишини давом эттиришимиз керак. Тарбия шундай сингдирилади. Соғлом

## Қадриятлар бешиги

авлод, аввало, маънавияти бутун бўлиши зарур.

Отахон билан гурунглашиб кетарканмиз, фуқаролар йиғини раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини уюштириш тарафидида юрган Абдор Тўлагановни учратиб қолдик.

— Маҳалла аҳолиси билан уларнинг сиёсий билимларини янада юксалтириш бўйича турли учрашув ва тадбирлар олиб бораёямиз, — дейди у. — Учта номзод ҳам ўзининг сойловоди тадбирларини ўтказаяпти. Маҳалла аҳолиси асосан, 23 кўча ва 2 кўпқаватли уйда истиқомат қилишини инobatга олсак, бу каби тадбирлар ўз самарасини беради. Маҳалла фуқаролар йиғини раиси зиммасида катта масъулият борлигини шу учрашувларнинг ўзиёқ исботлаб турибди.

... Ҳақиқатан, бугун қадриятлар бешиги — маҳаллаларга сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-ахлоқий жиҳатдан билимли, одамлар дардини яхши биладиган, жаҳондаги халқаро вазиятни тўғри баҳолайдиган, ўзи ва ўзгалар ютуқ ва камчиликларини кўра биладиган шахслар раислик қилиши ҳар томонлама фойдали. Чунки барча улар ўрнак олади, изидан юради.

Маҳалла доим ўз номига муносиб бўлишга интилан. Ўйлаймизки, бундан кейин ҳам ютуқларимиз салмоғи кўлайса-кўпаядики, камаймайди. Бунинг исботини маҳалланиннг жонқуяр инсонларининг бир кунлик ҳаётида ҳам ўз кўриш мумкин.

Акбарали МАНСУРОВ,  
маҳалла фаоли

## САЙЛОВЛАР МУҚОБИЛЛИК АСОСИДА ЎТМОҚДА

*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг шу йил 5 мартдаги қарорига мувофиқ, Фарғона вилоятида ҳам фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови бошланди. Вилоятда 1040 фуқаролар йиғини раиси ва уларнинг 10 мингдан зиёд маслаҳатчиси сайланади.*

“Қанғиржа” Тошлоқ туманидаги обод ва намунали маҳалла фуқаролар йиғинларидан бири. Маҳалла фуқаролар йиғини раислигига 3 номзод кўрсатилди. Бу фуқароларга энг муносиб номзодни танлаш имконини берди. Сайловда маҳалла аҳли номидан 82 вакил иштирок этди.

Номзодлар ўз фаолият дастури билан аҳолини таништирди. Бу, ўз навбатида, қайси номзодни сайлаш масаласига тўғри ёндашиш, номзоднинг фуқаролар йиғини фаолияти самарадорлигини ошириш билан боғлиқ режаларидан хабардор бўлиш, раисликка сайланган тақдирда, унинг фаолиятини назорат қилиб боришга замин яратади. Номзодлар дастурида маҳалла ободлиги, аҳолини тадбиркорликка кенг жалб қилиш, маҳаллани кичик бизнес ва ҳунармандлик марказига айлантириш, ёшлар таълим-тарбияси ва ҳудуддаги маънавий муҳит барқарорлиги асосий мақсад қилиб олингани сайловчиларга манзур бўлди.

Яширин овоз бериш йўли билан Дилором Отабекова маҳалла фуқаролар йиғини раиси этиб сайланди.

— Президентимиз раҳнамолигида маҳалланиннг жамиятимиздаги мавқени янада юксалтириш, унинг ваколат ва вазифалари доирасини кенгайтириш борасида амалга ошириляётган изчил ишлар зиммамизга катта масъулият юклайди, — дейди Д.Отабекова. — Аҳоли манфаатларидан келиб чиққан ҳолда, ҳудудда ишлаб чиқариш корхоналари ташкил этиш, кўшимча янги иш ўринлари яратиш, айниқса, оилавий бизнес ва ҳунармандликни янада ривожлантириш каби ижтимоий аҳамиятга молик вазифаларга асосий эътибор қаратамиз.

Сайловда вакиллар томонидан маҳалла фуқаролар йиғинининг 9 маслаҳатчиси ҳам сайланди.

Фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови вилоятнинг барча туман ва шаҳарларида уюшқоқлик билан ўтказилмоқда.

Маъсуджон Сулаймонов, ЎЗА

## ҲАР ТОМОНЛАМА ЧИНИҚИШ ОМИЛИ

Тошкент темир йўл муҳандислари институтида «Тўмарис авлодлари» спорт мусобақаси ўтказилди. Қизлар ўртасида ташкил этилган мазкур баҳсда ҳар бир гуруҳда 6 кишидан иборат иштирокчи аркон тортиш, дарвозага тўп тешиш, баскетбол саватига тўп тушириш, айланма югуриш каби шартлар бўйича куч синашди.

— Қизгин ва мурасиз кечган баҳсларда қизлар ўзларининг чаққон ва уddaбуронлигини, беллашувга пухта тайёргарлик кўрганини исботлади.

— Ушбу анъанавий мусобақа қизларимизнинг жисмонан чиниқиши ва соғлом бўлиши учун хизмат қилади, — дейди институт хотин-қизлар кўмитаси бошланғич ташкилоти етакчиси Нодира Хўжаева. — Шунингдек, нафақат талаба-қизлар, балки ўқитувчи-мураббийларимиз ўртасида ҳам шахмат-шапка спорт мусобақалари ўтказиш йўлга қўйилган. Бу келажакда уларнинг ҳар томонлама соғлом ва бақувват, ақлан етуқ бўлишларида муҳим аҳамият касб этади.



Танлов шартларига кўра, Иқтисодиёт факультетининг «Тўмарис қизлари» жамоаси голибликни кўлга киритди.

Голибларга институт маъмуриятининг эсдалик совгалари топширилди.

Ўз мухбиримиз

## ФХДЁ ХОДИМЛАРИ БАҲСЛАШДИ

*Пойтахтимизда Соғлом она ва бола йилига бағишлаб фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлимлари ходимлари ўртасида “Касбим менинг — фахрим менинг” кўрик-танлови бўлиб ўтди.*

Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар кўмитаси раиси Ф.Абдураҳимова, Тошкент шаҳар адлия бошқармаси бошлиғи А.Сафоев ва бошқалар соҳа ходимларининг касб маҳорати ошгани аҳолининг ҳуқуқ ва манфаатларини

таъминлашда муҳим омили бўляётганини таъкидлади.

“Соғлом она ва бола йили” Давлат дастури доирасида ФХДЁ органларининг ёшларни оилага тайёрлаш ва уларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш борасидаги ишлари кўлами янада кенгаймоқда.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва Тошкент шаҳар адлия бошқармаси томонидан ташкил этилган мазкур танлов ФХДЁ органлари ходимларининг иш фаолиятини баҳолаш йўли билан фуқароларга кўрсатилётган юридик хизмат сифати ва самарадорлигини ошириш, иш юритишининг илғор услубларини амалиётга кенг жорий

этиш, соҳа ходимларининг касбига нисбатан масъулиятини янада кучайтириш ҳамда намунали ходимларни рағбатлантиришга хизмат қилмоқда.

Танловда беш жамоа соҳада амалга ошириляётган кенг кўламли ислохотлар, касб одоби, муомала, нуқт маданияти, қонунчилик тарғиботи йўналишлари бўйича ўзаро баҳслашди.

Танлов натижаларига кўра, юридик хизмат кўрсатиш сифатини янги поғонага кўтариш борасидаги салоҳияти, билим ва тажрибаси юқори баҳоланган “Ҳаёт” гуруҳи голиб деб топилди. Голиб жамоа диплом ҳамда қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Ўзал Сатторов, ЎЗА



Меҳр-оқибат, самимийлик, ҳамдардлик айнан оилада шаклланади. Демак, оила инсон ҳаётининг узвий бўлағидир. Президентимиз «Юксак маънавият — енгилмас куч» асарига «Оилавий тарбия масаласида хатога йўл қўймаслик учун аввало ҳар қайси хонадондаги маънавий иқлимни ўзаро ҳурмат, ахлоқ-одоб, инсоний муносабатлар асосига қуриш айни муддао бўлур эди. Бу ҳақда гапирганда, мен муштароқ ёзувчимиз Абдулла Қодирийнинг «Ўтган кунлар» асарига қарамонларнинг ўзаро муомала ва мулоқотлари, уларнинг ҳатто кичик фарзандларини ҳам «сиз»лаб гапириши мисолида ота-болаларимизнинг оила маънавиятига қанчалик катта эътибор берганига ишонч ҳосил қиламан», деб ёзади.

Бугун давлат сиёсати даражасига кўтарилган оила ва оилавий муносабатларга алоҳида аҳамият қаратилаётгани бежиз эмас. Негаки, инсон оилада камол тошар экан, унинг қай тарзда вояга етиши, қандай шахс бўлиб шаклланиши бевосита жамиятга ҳам дахлдор.

Хулқар АБДУЛЛАЕВА, «Оила» илмий-амалий маркази мутахассиси:

— Халқимиз оилавий муносабатларга нозик масала сифатида қарайди. Хусусан, оиланинг ички қоидалари кўчага, кўпчиликка билдирилавермайди. Ҳар бир хонадоннинг, оиланинг ўз тутуми бор. Бизнинг асосий мақсадимиз, ҳаммамачамма учун ибрат бўладиган, мустаҳкам, соғлом оилаларни ўрганиш, оммага тадбиқ этиш, оиладаги муаммолар ва уни ҳал этиш йўлларини ўрганишдир. Марказда «Оила маънавияти», «Оила психологияси», «Оила ва ҳуқуқ асослари», «Оила



мустаҳкам оила» илмий-амалий маркази мутахассиси:

# 15 Май — Халқаро оила куни

## МУСТАҲКАМ ОИЛА — ФАРОВОН ҲАЁТ АСОСИ

*Ўзбекона миллий қадриятларимизда оиланинг муқаддаслиги ва ундаги анъаналар юксак тарбия манбаи эканлиги алоҳида эътироф этилади. Оиланинг бир бутунлиги оила аъзоларимиз, яқинларимиз тимсолида гавдаланади.*

саломатлигининг тиббий-биологик асослари» ва «Демография ва оиланинг ижтимоий-иқтисодий истиқболи асослари» бўлимлари фаолият юритади. Биз турли лойиҳаларда

бунда қандай ишларни амалга ошириш керак, деган саволларга жавоб топишга ҳаракат қиламиз. Муаммолар ўрганилгач, унинг ечими сифатида турли ри-

ятимиз давомида қонун ҳужжатларига тақлифлар тақдим этиш ҳуқуқига эгамиз. Марказимиз томонидан ҳар йили статистик маълумотлар ўрганилади. Давлат



иштирок этамиз. Жумладан, марказ «Ўзбекистонда оила институтини ривожлантириш ҳамда баркамол авлод тарбиясининг маънавий-ҳуқуқий, тиббий-психологик ва демографик омилларини тадқиқ этиш» лойиҳаси доирасида кенг кўламли ишларни амалга оширмакда. Турли сўровномалар орқали тадқиқотлар олиб борамиз. Масалан, оиланинг тиббий саводхонлиги қай даражада? Аёллар ва қизларни қандай муаммолар қийнаётми? Ота-она ва фарзанд муносабатлари ўртасидаги олтин кўприк сақланиб турибдими? Оилавий муносабатларга тааллуқли шу каби жиҳатларга эътибор бериб,

солалар, қўлланмалар чоп этилади, ўқув машғулотлари ўтказилади. Жумладан, «Қизлар энциклопедияси» номли китобни ўқувчилар эътиборига тақдим этдик. Унда кийинги одоби, муомала маданияти ва ўсмир қизларнинг атрофдагилар билан муносабатга киришиш одоби, қизларнинг пулга қизиқишининг олдини олиш хусусида тавсиялар чоп этилган. Бу ҳар қандай китобхон эътиборини тортиши шубҳасиз.

Маҳбуба ҲАМИДОВА, «Оила ва ҳуқуқ асослари» бўлими мудири: — Фаоли-

статистика қўмитасининг маълумотларига кўра, 2000—2014 йиллар давомида никоҳга кириш ёши эркакларда 25,2 ёшдан 26,5 ёшга, аёлларда 21,4 ёшдан 22,4 ёшга узайганлиги кузатилади. Бугунги кунда ажримлар сонини камайтириш учун қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Болаларнинг бўш вақтини унумли ташкил этиш, интернет клублар фаолиятини назорат қилиш, таълим муассасаларини ўрганишга ҳаракат қилишимиз. Республикаимиз миқёсида ойда бир маротаба ФХДлар қошидаги «Еш оила мактаби»да ҳуқуқ, тиббиёт, психология каби турли мавзуларда семинар



машғулотлари ташкил этилган.

Замира БИЛОЛОВА, «Оила психологияси» бўлими илмий ходими:

— Оилада бир-бирини тушуниш, ота-она болаларнинг руҳий ўзгаришига муносиб жавоб бера олиши муҳим ҳисобланади. Айниқса, шундай вақтлар бўладики, қизларимиз муаммоларини яқинларига айтишга уялишади. Шунинг учун қўлланма яратишга эришдик. 2012—2015 йилларда «Оила» илмий-амалий маркази, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Халқ таълими вазирлиги, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамкорлигида «Ораста қизлар ён дафтarchаси» китоби қайта-қайта нашр этилди. Умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари учун чоп этилган ушбу рисолада айнан тиббий, психологик маслаҳатлар, маълумотлар берилган. Ҳозирги вақтда вилоятларимизда «Оилангиз ҳамжихатми?» мавзусида сўровномалар олиб боришимиз. Мактаб ўқувчилари орасида ўтказилаётган сўровномада ота-она ва фарзанд ўртасидаги муносабатлар, мактаб, оила, маҳалла ўртасидаги ҳамкорлик қай даражада йўлга қўйилганини ўрганиш мақсад қилинган.

Бахтли болалик, бахтли жуфтлик, оқибатли фарзанд, бу — одамзоднинг ҳаёти давомидаги эзгу нияти. Бу оруни яратиш ўз қўлимизда бўлса-да, баъзида эътиборсизлигимиз сабаб хатоларга йўл қўзимиз. Ана шу хатоларни тузатишда эса «Оила» илмий-амалий маркази каби ташкилотлар кўмаги асқотади.

Камола АДАШБОВЕВА

## БАХТНИ БИР-БИРИМИЗДАН ТОПДИК



ташқил этилган «Оилам — бахтим менинг» кўрик танловининг «Энг аҳил оила» номинацияси бўйича эндиликки қўлга киритган ибратли жуфтликнинг салкам эллик йил тинч-тотув яшаши қизиқишимизга сабаб бўлди.

— Ушбу пайтлар талабаликнинг олтин даври гаштини сурибман-у, уй-рўзгор ишларини ўрганиш хаёлимга келмабди, — дея илжайди Ҳақимахон ая. — Ана шундай ҳолатда қайнонам мени камситмади, ўкситмади. Хушмуомалик билан рўзгор тутини илмини ўргатди. Ишонасизми, ҳатто турмуш ўртоғимнинг феъл-атворини тушуниш, унинг кўнглини топиш, муомала одоби каби сир-синоатни ҳам қайнонамдан ўрганганман. Келинлигимда қайнонамнинг мактабида ўқиб, қайнотамнинг дуосини олганман. Оиламизнинг мустаҳкамлигида, тинч-тотувлигида шу инсонларнинг ўрни катта.

Мамлакатимизда шундай ибратли оилалар борки, уларнинг бахтини кўриб беихтиёр ҳавасингиз келади. Андижон вилояти, Қорасув шаҳрида истиқомат қилаётган Қирғизбой ота Эрматов оиласи нафақат кўни-кўшни, маҳалла-кўй орасида, балки вилоятда ҳам намунали оила сифатида эътироф этилди. 2015 йилда вилоят хотин-қизлар қўмитаси томонидан

— Онаси, ўзингиз ҳам намунали келин бўлгансиз-да, — дея Ҳақимахон аянинг сўзини давом эттирди Қирғизбой ота. — Ҳозир эслаб кўргудек бўлсам, аёлим қизлик уйидан адо бўлмайдиган «хўп-хўп» сепи билан келган экан. Шунча йил яшаб, бирор марта ота-онамга ёки менга гап қайтарганини ёки ота уйига аразлаб кетганини эслолмаيمان...

— Ахир, ҳамма муаммонинг қалити «хўп-хўп»у, яхшилик қилишда-ку, — беозоргина кулади Ҳақимахон ая... — Бахтли оиланинг асоси эру хотиннинг бир-бирларини тушуниб яшашида. Турмушимиз давомида фақат «сиз»лаб гаплашдик, қийнчилик пайтларида мен унга, у менга суяч, далда бўлди. Фарзанд тарбиясида ҳам ҳаммаша ҳамжихат бўлдик. Муаммо ҳамма оилада бўлади. Аммо уйдаги гапни кўчага чиқармаслик — аёлнинг вазифаси эканини Ҳақимахон аяни англаб етди, — дейди Қирғизбой ота.

Туманда бу ибратли оилани ниҳоятда ҳурмат қилишади. Қирғизбой ота узоқ йиллар давомида Қўрғонтепа

### Ибрат

туман молия бўлимида фаолият юритган бўлса, Ҳақимахон ая эса халқ таълими соҳасида 26 йил меҳнат қилди. Улар тўрт нафар фарзандни оқ ювиб, оқ тараб қомил инсонлар қилиб тарбиялади. Бугун эса 11 набири, 3 чевара атрофида парвона... Кексалик гаштини сураётган отахон ва онахон ибратли умр билан ёшларга ўрнак бўлаётир.

— Онахонинг рўзгор тутини, оила соҳибига қандай ҳурмат кўрсатишни, фарзандларга қай йўсин тарбия беришни илк кунлардан оқ ўргатди, — дейди оиланинг келини Гулнозахон. — Маҳалладагилар онажонимни, макташдади. Биз келинлар ҳам шу мақтовларга муносиб бўлайлик, дея овсинлар билан оина-сингилдаймиз...

Донолардан бири «ҳақиқий муҳаббат икки инсоннинг бир-бирига қараши эмас, биргаликда бир томонга қараши» деган эди. Уларнинг самимий муносабати ана шундай соф муҳаббатга қурилгандек туюлди, менга. Қирғизбой ота ва Ҳақимахон аянинг умр йўллари уларнинг ибратли ҳаёт мактаби беаб турибди, десак, асло хато бўлмас.

Зилола РАҲМОНОВА, Андижон вилояти



**Женисбек Пиязов – 1988 йилда Нукус шаҳрида туғилган. 2007 йилда ёш опера ижрочилари республика кўрик-танловида ғолиб бўлган ва имтиёзли равишда Ўзбекистон Давлат консерваториясига ўқишга қабул қилинган. Худди шу йили “Ниҳол” Давлат мукофотида сазовор бўлган. 2010 йилда “Шухрат” медали билан тақдирланган. 2012 йилда Москва шаҳрида ўтказилган Муслим Магомаев номидаги халқаро операчилар танловида Гран-прига сазовор бўлган. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист.**



## Женисбек Пиязов:

# МАҚСАДИМ — ВАТАНИМ НОМИНИ УЛУҒЛАШ

— Женисбек, санъаткорлар оиласида туғилиб, санъатга ошно бўлиб улгайгансиз. Санъатни қисматингиз деб биласизми?

— Шубҳасиз. Санъат — қисматим. Қон билан кирган, жон билан чиқади, дейди халқимиз. Онамнинг вужудида пайтимдан бошлаб мусиқа тинглаб ўсганман, десам хато бўлмайди. Онам — Инжигул Сапурова моҳир созанда — гижжакчи. Отам — Бургут Пиязов дўмбира чалиб ашула айтади. Ака-укаларим, опа-сингилларим ҳам санъат соҳасини танлаган. Шундай муҳитда, мусиқа таъсирида улгайган инсон бошқа соҳага кўнгил қўйиши мумкинмиди?!

— Ота-онангиз миллий кўйишларни ижро эттишган. Миллий кўйишчилик ва опера ораси анча узок. Опера йўналишини танлашингизга нима сабаб бўлган?

— Чинданам халқ ашулаларини айтиб улгайганман. Эстрада йўналишида ҳам ўзимни сынаб кўрганман. Ўсмирликдан йигитликка ўтиш даврида овозим жуда йўғонлашиб кетди. Бундан руҳан эзилиб ҳам юрганман. Овозимни “созлаш” мақсадида Нукус маданият ва санъат коллежига ўқишга кирдим. Тинимсиз машқ қилишга қарамай, овозим ўзгармади. Шунда, “Академик хонадалик” йўналиши ўқитувчиси, устозим Абат Қалиев: “Сенинг овозингдек овоз камдан-кам учрайди. Сен опера айтишинг керак”, деб қолди. Ўшанда ўн етти ёш эдим. Устозим сабаб операни танладим.

— Опера жуда мураккаб санъат дейишди...

— Ипонасизми, йўқми, уч йил давомида синфдан чиқмай, шуғулландим. Ана шу тинимсиз меҳнат натижасида 2007 йилда республика “Ёш операчилар” кўрик-танловида 1-ўринни олиб, Ўзбекистон Давлат консерваториясига ўқишга қабул қилиндим.

Биласизми, 2015 йилда Ўзбекистон Давлат консерваториясининг “Академик вокал” бўлимига саксондан зиёд йигит-қиз ҳужжат топширган. Консерватория тарихида бунақаси кузатилмаган экан. Демак, опера ёшларимизни қизиқтирапти. Сон кўпайгач, табиийки, рақобат бошланади, рақобат бор жойда эса сифат кўрсаткичи кескин ошади.

Нафақат ёпиқ концерт залларида, балки очиқ майдонларда, фавворалар ёнида концертлар бераймиз. Бу эса халқда қизиқиш уйғотаяпти. Бунинг устига “Тошкент баҳори” халқаро опера ва балет санъати фестивали, “Ёшлик баҳори” ёш опера ижрочилари фестиваллари ҳамда “Competizione dell’Opera” XIV халқаро опера ижрочилари танловининг Тошкентда ўтказилиши ҳам юксак эътибор ва рағбат намунасиدير.




## Гурунг

тадиган ашулалари бўларди. Хозир ҳамма сўзлари ёдимда йўқ, бироқ:

“Томпанг, томпанг, томпанг томпанг,  
Томпанг, томпанг, томпанг, томпанг,  
Жугуреди балаша”, деган сўзлари ҳеч эсимдан чиқмайди. Чунки, худди шу жойини кутиб ўтирардик ва маза қилиб кулишардик... Болани томп-томп қилиб югурадиган жойлари кўшиққа солингани учун бизга жуда қизиқ туюлган бўлса керак.

— Женисбек, келинг энди оилангиз — боболарингиз, ота-онангиз ҳақида гаплашсак...

— Ойимнинг ҳам, отамнинг ҳам отаси биз билан яшаган. Ойимнинг дадаси Жумабой бобом жуда пишиқ



— Ўзбекистон Давлат консерваторияси ҳақида тасаввурга эгамидингиз?

— Ҳа, биров. 2001 йили онам билан Тошкентга келганимда консерваторияни томоша қилганман. Аммо, ўшанда бу даргоҳда ўқишни орзу қилишга ҳам ҳаддим сиғмаган. Талаба бўлгач, бу ер ўз уйимга айланди. Софья Анатольевна, Ольга Ермелова ёрдамида билим ва маҳоратимни ошириб, кўплаб кўрик-танловларда ғолиб бўлдим.

— Операни тушуниш осон эмас. Айниқса, кексаларга бу гайритабиий туюлади... Ёшлар орасида ҳам қизиқувчилар кўп бўлмаса керак?

— Опера жуда қийин жанр. Унда овоздан ташқари, актёрлик маҳорати, профессионалик, катта билим талаб қилинади. Осон йўл билан операчи бўлиш мумкин эмас. Операда фонограмма бўлмайди. Шунинг учун ҳам халқимиз опера санъати артистларига ўзгача ҳурмат билан қарайди. Мамлакатимизда опера санъати кун сайин оммалашиб бормоқда.

— Бир донишманд “Одамлар ўқимай кўйганларида фикрламай қўядилар”, деган экан. Бу фикрга қандай қарайсиз? Сиз тарбия топган оилада китобларнинг ўрни қандай?

— Уйимизда каттагина кутубхонамиз бор. Бобом, ота-онам йиққан китоблар ҳаммаси. Бўш вақтим бўлди дегунча, китоб мутолаа қилишга интиламан. Тан олишим керак, кўпроқ санъат соҳасига оид асарларни ўқийман. Россини, Моцарт, Гендель, Бетховен, Бах асарларини куйлаган пайтимизда уларнинг замонасига қайтишимиз, уларнинг тарихини яхши билишимиз керак бўлади. “Травиато”, “Дон Жуан” операси, ёки “Аида” сингари машҳур операларни куйлаш учун албатта уларга тааллуқли бадиий адабийларни ўқиш лозим.

— Инсоннинг биринчи эшитган кўшиғи она алласи... ва болаликда қулоққа чалинган ҳар бир кўшиқ бир умр ёдда қолади, шундай эмасми?..

— Дадамнинг дўмбира чалиб ай-

одам эди. Ундан пулни қандай сарфлашни ўрганган бўлсам, Зинел бобом актёрлик маҳоратидан сабоқ берган. “Баси қатти буса, ахири татти бўлади”, яъни “Боши қаттиқ бўлса, охири ширин бўлади”, дерди бобом. Ана шу гапларнинг маъносини энди чақалпман.

— Ота-онангиз сизларнинг тарбиянгизда нималарга кўпроқ эътибор қаратган?

— Деярли бўш вақтимиз бўлмасди. Асосан, мусиқа билан шуғулланганмиз. Онам жуда меҳрибон, дадам бир оз қаттиққўлрок. Оилада олти фарзандимиз: 2 қиз, тўрт ўғил. Онам дутор чалади, акам эстрада йўналишида ижод қилади. Укам Жанибек Пиязов “Ниҳол” давлат мукофоти совриндори. Энг кенжамиз ҳам опера йўналишини танлаган. Ҳамма ишни бамаслаҳат қиламиз.

— Ёш бўлишингизга қарамай, кўплаб ютуқларга эришдингиз. Юксак унвонларни қўлга киритдингиз. Бу муваффақиятлар омили нимада?

— Опера йўналишида дунё миқёсида ўзимизнинг мустақкам ўрнимизга эга бўлишни орзу қиламан. Бир пайтлар халқаро танловларда “Ўзбекистонда ҳам опера бор эканми?”, дея лаб бурганлар тилини тишлаб қолди. Бугун энди “Ўзбекистонликлар ҳам шу ердами, демак, биринчи ўридан умид қилмасак ҳам бўлади”, дейишади. Ёшларимиз номи теда тилга тушди. Самандар Олимовнинг ижодини ҳурмат қиламан. Раҳим Усмонов билан кўп давлатларда бирга бўлганмиз. Раҳим Мирзақамоллов, Аминзода Жуманиёзов каби дўстларим билан фахрланаман. Асосий мақсадим, устозлардан санъат силрларини янада пухтароқ ўрганиш, халқаро миқёсдаги танлов ва концертларда қатнашиш — Ватаним номини улуглаш.

Назира БОЙМУРОВО  
суҳбатлашди.

Муаллиф олган суратлар.

Алишер Навоий номидаги Давлат академик катта театрида “Оловиддиннинг сеҳрли чироғи” янги опера эртагининг премьераси бўлиб ўтади.

15 май куни Алишер Навоий номидаги Давлат академик катта театрида “Оловиддиннинг сеҳрли чироғи” янги опера эртагининг премьераси ўтказилади. Ушбу машҳур эртақнинг замонавий талқини томошабинларда қизиқиш уйғотиши шубҳасиз.

С.А.Вареласнинг “Оловиддиннинг сеҳрли чироғи” опера эртаги мамлакатимизнинг опера санъати шинавандаларига яхши таниш. У кўриб бормаган хонадон кам топилади. Илк мартаба 1978 йилда Давлат академик катта театрида саҳналаштирилган асар бир қанча мавсум муваффақият қозониб келган.



Энди эса, бир неча йил ўтгач, “Оловиддиннинг сеҳрли чироғи” яна Катта театр репертуаридан жой эгаллади. Саҳналаштирувчи режиссёр Георгий Дмитриев опера

## ОПЕРА ЭРТАГИНИНГ ЯНГИ ТАЛҚИНИ

ҳақида гапирар экан, асар фақат ёш томошабинларгагина мўлжалланмаганини таъкидлади. Образларнинг назик жиҳатлари, динамик ва томошабоп воқеалар жараёни катта ёшли томошабинлар учун ҳам қизиқарли бўлиши аниқ.

Спектаклни саҳналаштиришда Давлат академик катта театрининг қарийб бутун таркиби жалб этилган. Булар йигирмадан зиёд артист, балет труппаси, болалар академик студияси ўқувчилари, ва, албатта, театр оркестридир.

Театр ихлосмандлари мусиқанинг жонли синтези, актёрлик маҳорати ва эртақнинг таъсир кучини опера премьерасида кўришлари мумкин.

Сардор ЗАЙНИДИНОВ



Юксак маънавият – энгилмас куч

# ҒАР(И)БОНА ЛИБОСЛАР

ёхуд “замонавийлик”  
ниқобидаги  
дидсизлик

Кийим инсон танасини ёпиш билан бирга, унинг маънавий киефаси, маланияти, фаҳм-фаросатидан ҳам бохабар қилади. Биз кўрк деб билаётган либослар ўз вазифасини қай даражада бажармоқда? Атрофдагиларнинг уст-бошига қараб уларнинг маънавий дунёсидан кўнглимиз тўлантими? Айрим юртдошларимиз суратига зеб беришга муқкасида кетиб, сийрат зийнатини унутиб қўймаптимикан? Мулоҳазаларимиз шу ҳақда.

қизларимиз эғнида кўриб, кўнгил яйрайди. Бироқ бундай ҳолатни ҳар куни ҳам учратавермаймиз. Аксинча, баданини кўз-кўз қилиб, ёпишиб турган кийим-кечакларга ҳар қадамда дуч келамиз ва бундай ғар(и)бона кийимлар билан турланаётган аёл ва эркекларнинг маънавият борасидаги тушунчалари ҳаминқадар эканидан оғинади киши. Бу билан замонавий либосларни бирвақайга қораламоқчи эмасмиз. Борлиқ мезонида меъёр чизиғи мавжуд. Мода кетидан кетиб, ана шу чизиқдан ўтиб кетмаётганимиз, деган хавотиримиз бор, холос.

\*\*\*

Хорижлик сайёҳлар адрас, атлас, попоп, зардўзлик, каштачилик санъати маҳсулотлари асосида тикланган тўн, чополарни кийиб, миллий матоларимиздан тайёрланган шарфларни ўраб оганини кўрсак, кўнгилда ифтихор, севинч ҳислари тўлиб-тошади. “Барибир ўзимизнинг либосларга етарлигани йўқ-да!” деб қўямиз гўрур билан. Ҳўш, бошқалар кийганида фахрланган либосларимизни нега энди ўзимиз киймаслигимиз керак? Ахир, атлас, адрас, кимхоб, духобау табиий шойилар, бундай матоларга нақшланган зардўзлик, попоп ва каштачилик санъати намуналари хорижликлардан кўра қошқўзи қора, буғдойранг юзига

кулгичи ярашган ўзбек хотин-қизларига кўпроқ ярашмай-дими?! Қолаверса, бундай матолардан тикланган либослар нафақат миллийлигимизни кўрсатади, балки саломатлигимиз учун фойдали экани кундай равшан.

— Дизайнернинг вазифаси инсонлар кийиниш маданиятини, дидни шакллантириш, янгилик яратиш ва уни санъат даражасига кўтаришдан иборат, — дейди дизайнер-модельер Иродахон Аъзамжўжаева. — Ҳеч бир либос ўз-ўзидан яратилмайди. Аини пайтда бозор ва дўконлар ўзимизнинг цехларимизда ишлаб чиқарилган ва хориждан келтирилган либослар билан тўлиб-тошган. Хорижникини гапирмайлик, ўзимизнинг цехларда тиклаётган кийим-кечаклар, айниқса, аёлларга мўлжалланган либослар ҳам ўзбекиона тасаввур бермайди. Эътироз билдирсангиз, харидор талабини рўқач қилишади. Пахта ва ипак толали миллий матоларимиздан харидорғир, бежирим, замонавий услубдаги либослар яратилмоқда. Атлас кўйлак кийишни орзу қилмаган ўзбек қизи бўлмаса керак!

“КЕЛИНКЎЙЛАК ДЕГАНЛАРИ ШУМИ ҲАЛИ?!”

Тўйлар мавсуми бошланди. Тўй харажатлари рўйхатида никоҳ кўйлаги алоҳида ўрин тутди. Келин бўлаётган қизни ҳозир қандай никоҳ кўйлаклари урфда экан, деган ўй босади. Афсуски, менга қанақа либос ярашади эмас, айнан қандай кўйлақлар мо-

дада экан, деб ўйлай-диганлар кўпайиб бормоқда. Ёши улугларимиз тўйларда хижолатдан лаб тишлаб, кўзини олиб қочгани жой тополмай қолаётгани бор гап. Келинчақ на ўз яқинлари, на келин бўлиб бораётган хонадоннинг адишасини қилмай, елкаси очик, орқаси белигача ўйланган либосда ўзини кўз-кўз қилади.

— Хафа бўлишмасину, айрим йигитларимиз тўй кувийек тизгинини аёли қўлига тутқазиб қўймоқда, — дейди “Машҳура” ўқув маркази раҳбари Машҳура Юсупова. — Очиқ-сочиқ кийинган келин билан қўлтиклашиб даврага кириб келишга рози бўлган йигитлар орини йўқотибди. Улар жуфти ҳалолига суқланиб қараётган нигоҳларга қандай дош бераркан?!

Оқ либос поклик, ёруғлик, эзгулик рамзи саналади. Қадимдан момоларимиз келинларни оқ ўраб чимилдиқча киритишган. Шу бонс европака очик-сочиқ, калта-култа, нархи осмон никоҳ либосларидан воз кечиб, оппоқ ҳарир матолардан адишала, ҳаёли ўзбекиона келинчақ образини яратиш пайти келган.

Яна бир гап, катта ёшли аёллар модапарастлик, зийнатга ўчлик борасида ёш қизларимизга “дарс бераётгани” кишини ташвишга солмоқда. Кўчакўйда ёшига номуносиб кийинган ана шундай

аёлларни кўрсам, уларнинг қизлари ҳақида ўйлай бошлайман.

\*\*\*

Маърифатпарвар зиёлилардан бири шундай деган эди: “Бизларни ҳайрон қолдириб турган бир нарса борки, у ҳам бўлса, аёлларнинг ясан-тусанга чексиз майл қилишлари, кийинишга керагидан ортиқ тиришишларидир. Бундай айбли аёллар охири хатарли оқибатларни келтиришади. Улар ақлга сиғмаган харажатларга, турмушнинг хароблашувига сабаб бўлишади. Бундайлар бировнинг устидан янги услубда бир кийим кўрдими, ундан ўзига тиктирмай тура олмайди. Дўконда биров яхши мато борлигини эшитдими, қандай қилиб бўлса ҳам, ундан ўзига бир кийимлик олмасдан кўнгли хотиржам бўлмайди. Шунинг учун эрининг топган ақчаси хотиннинг бузуқ орзуларига хизмат этмоқдан бошқа нарсага фойдаси тегмайди”.

Умида  
АДИЗОВА





# “БУ МУКАММАЛ ЧЕХРА ФАҚАТ МЕНИНГ ЮРАГИМДА ҚОЛГАН”

Муҳаббат мактублари

*Кўрмасам дард сочар қонли кўзларим,  
Савдонинг ипаги қалбим ўради.  
Руҳимда булбуллар дард-ла йиғлади,  
Севгилим, хаёлинг мангу боғлади.  
Шу ўқсик кўнглимга нега боқмадинг?..  
Хаёллар уфқимда гўзал юлдузим.  
Шу ўқсик руҳимга нега кулмадинг?  
Энди боқ менга, эй оташин шеърим...*



Мусо Тошмуҳаммад ўғли Ойбекнинг ушбу шеърӣ мактуби 1925 йилда ёзилиб, Зарифа Саидносировага берилган. Уша пайтда йигит йигирма, Зарифа ундан беш ёш кичик эди.

**Раъно ИБРОҶИМОВА**, филология фанлари доктори, профессор:  
— Ойбек ва Зарифа опа 1924 йилда педтехникумда ўқиб юрган пайтда танишинган. Адиб ўша йиллари техникумнинг “Тонг юлдузи” деворӣ газетасига муҳаррирлик қилган. Зарифа опанинг хотирлашича, шу газета баҳона шеър ёзиб бериш ёки расм солиб беришни илтимос қилиб, унинг йўлларини пойлар экан. Ойбек ёзган мактубларини ё қўлларига бериб кетаркан ёки дўстларидан етказишни илтимос қиларкан.

**Наим КАРИМОВ**, филология фанлари доктори, профессор:  
— Ойбек домланинг муҳаббат тарихи унинг шеърларига сочилиб кетган. Ҳар бир шеърнинг остига ёзилган санаси қўйилган. Мана шундай хатлардан бири “Бир улуг бўшлиқдир сенсиз коинот”, деган сатрлар билан бошланади. Бу шеърлар Зарифа опанинг етиб боргунича дўстлар томонидан ёд олинган.

Зарифа Саидносирова оиласи бошига оғир қулфатлар тушган йиллар эди. 1926 йилнинг кўккам кунларида отаси — миллатнинг илгор кишиларидан бири Саидносир Миржалол ўғли собиқ мухториятчилар қаторида ҳибсага олинади. Зарифа ҳар куни отаси олдига катнайди.

Уша кунларни эслаган Зарифа Саидносирова “Синфдошларим Ойбекнинг менга бўлган муносабатидан хабардор эканлар, шунинг учун ҳам у танаффус чоғида синфга кириб кўлгудек бўлса, улар дарҳол чиқиб кетар, сўнг эшик тирқишидан, кулф тешигидан мўралар эканлар.

Бир кун партамнинг тахтасини кўтариб, тағига: “Чиндан севаман, юракдан севаман”, деб йирик ҳарфлар билан ёзиб кетибди.

Отаси бошига тушган синовлар тегиримонида эзиллаётган Зарифанинг юрагида фарахбахш туйғуларга тўла Ойбекнинг муҳаббати ҳам бор эди.

Техникумдаги ўқшини тугатгач, Ойбек Ленинград иқтисод институтига, Зарифа Урта Осиё давлат университетини физика-математика факультетининг кимё бўлимига кириб ўқий бошлади. Улар бир-бирларидан узоқда бўлсалар-да, Ойбекнинг ошӣ қалбидан тўкилган дурлар Зарифанинг кўнглини муҳаббат нурларига чулғар эди.

**Улуғбек ҲАМДАМ**, филология фанлари номзоди:

— Ойбек 20-йилларнинг охириларида Зарифа опанинг синглиси Шарифа опанинг ёзган мактубида: “Ўпкама ярали, ўпкама ярали”, дейди. Кейинчалик бу дардлар унинг шеърларига кўчиб ўтади.

Зарифа опанинг синглиси Муборакхон ўша йилларни кўзда ёш ила эслаб, шундай сўзлайди: “Зарифа опам билан Ойбек акамнинг тўйларига розилик олиш учун Семипалатинск шаҳрига бир неча кун поездда юриб, бордик.

Шундан кейин тўйлари бўлиб ўтди. Ойбек акам ишдан вақтли қайтарди. Кўпинча келганида, Зарифа опам ишда бўларди. Мен жажжи киз эдим. Олдиларига югуриб чиқардим. Мен билан гаплашар, кизиқ-қизиқ гаплардан айтиб кулдирар, сўнг Шайхонтоҳурга олиб чиқардилар.

Бечора бувим ва ойим дадамни эслаб кўпинча йиғлаб ўтиришарди. Ойбек ака келганида бироз овунишарди. Ойбек ака мана шундай ажойиб киши эди. Отаси қамалган оилага кириб келишининг ўзи ҳам катта тап эди, ахир.

Ҳозир ўйлайман: “қандай оғир дамлар эди-я!”

## САФАР МАКТУБЛАРИ

*“Зарифа!  
Бу — тўртинчи хатим. Бу қадар ошиқиб ёзишимни кўрган ўртоқлар ҳам: “Яқиндагина кетди-ку, нега мунча соғинмасан”, деб кулишиб кўлдирлар. Эҳтимол, ҳақлидирлар. Бундан сўнг яна битта мактуб ёзаман, сўнгра ёзмасам ҳам бўлади. Шимининг орқа томони титилиб кетаёттир. Сен бўлсанг эди, ахшилаб ямоқ солиб берардинг. Мен бузун тиксам, эртасига сўзилиб кетади. Бир илож қилиб, Тошкентдан бир шим юбора олсанми? Материал топсанг, машиначига тикдирсанг бўлади. Бунда 45 сўмдан шим сотадилар-ку, фақат материалӣ ёмон...”*

*Ойбек. Москва, 12 сентябрь 30 йил”.*

**Раъно ИБРОҶИМОВА**:  
— Одамлар хат ёзганларида “жоним”, “азизам” деб ёзадилар. Ойбек домланинг хатларига қарасангиз, “Зарифа!” деб мурожаат қилади, ва мана шу мурожаатда Ойбек домланинг Зарифа опага бўлган муносабатини талаффуздаёқ жуда яхши ҳис қиласиз. Фарзандларига “Суюним!”, сочи олтин бўлгани учун қизлари Гулранга “Сариқ мушукчам”, кичик ўғиллари тўполончи бўлгани учун “Бекжон тўполончи” деб мурожаат қиларкан.


*“Мен сенга унларча мактублар ёздим. Фақат бюрократизм ўрасига тушиб кетган Тошкент почта-телеграф идораларининг касофати орқасида хатларим вақтида қормаган.*

*Сендан хат кута-кута кўзларим тешилади. Ниҳоят 26 да бир хатинг-*

*ни олдим. Омонга оид сатрларни қайта-қайта ўқидим. Севинчим қалбимдан тошаёзди. Ўғлинг ҳақида жуда муболага ила ёзибсан. Юради, гапиради, дейсан. Мумкинми?! Аммо ўзим ҳам баъзан ишониб қоламан. Чунки туғилган кунларидаяёқ қўлоғини дўнната бошламишди ва кўзларидан зийраклик туюларди.*

*30 да яна бир хатингни олдим. “300 сўм пул юбордим” — дебсан. Телеграф ила юбордингми? Мен ҳали ҳеч қандай “извешение” олганим йўқ! Бузун почтага ҳам бордим. Қараб тополмадилар. Билмадим, қачон олишимни. Ўзимда ҳеч пул йўқ. 20 дан буён Гофуржондан пул олиб яшайман.*

*Фақат эрта-индин Гофуржон иш билан Ленинградга жўнайди. Сўнг нима қиламан? Мен 12 сентябрдаги хатимда пул сўрашимдим. Шу хат тез бориб етган бўлса, шу вақтгача келган бўларди. Ётоқхона учун сентябрь ойига тўлашим керак. Ҳар кун қистайдилар. Шуниси ёмон. Кўндан бери госплан ёки Комакадемиянинг ёпиқ ошхонасида овқатланаман, арзон, ҳам яхши.*



*Бузун яна бир хатингни олдим. Кечагидан аввал ёзилганга ўхшайди. Кўп қисми Омонга бағишланган. Жуда севаман ўғлингни. Кўз тегмасин. Омон каби болани севамлиқ мумкинми? Мен ҳар вақт уни ўйлайман, хаёлимда кучоқлайман, ўпаман, эркалатаман.*

*Масквани севиб қолдим. Фақат Омон ва сен бўлсанг эди мунда, кетмасдим. Зарифам, мени тезроқ кўрай десаң, пулнинг келиш йўлини қидир! Севимли Омонни ва унинг гўзал онасини ўпаман!*

*Хайр. Ойбек.  
1 октябрь 1932 йил”.*

Ойбек мактубларида яқинлари ҳаётига масъулиятни кўриш мумкин, у айнақса аёллар тақдирига бефарқ эмас: ҳаммаларини бахтли кўришни, турмушда эзилмасликларини, маърифат нурлари ҳаётларини ёруғ қилишни чин дилдан истади.

— Ойбек “Зарифа, кимёга чалиш!”, деб ёзади. У ўз турмуш ўртоғини илгор аёллар сафига кўтаришни истади, — дейди Наим Каримов. — Шарифа дуторда жуда чиройли куй чаларкан. “Зарифа, Шарифа фақат дутор билан банд бўлмасин! Музика қанчалик гўзал санъат тури бўлмасин, у инсонни реал воқелиқдан чалғитади”, деб ёзган. Ойбекнинг Шафоат исмли синглиси бўлган. Бир синглисини “Наноқ” деб атади. “Яқинда тур-

мушга чиқаётган экан, ҳали Наноқ турмуш нималигини билмайди”, деб ўқинади. Ойбекнинг хатларида бошқа одам, бошқа оламга кириб қоламиз. Буюк ёзувчи билан эмас, хаёлан қандайдир оддий, содда, самимий акамиз, укамизга ўхшаган ажойиб бир инсон билан юзма-юз келамиз.

**ФАРЗАНДЛАРГА МАКТУБЛАР**  
Зарифа опа биринчи фарзандлари Омон туғилиши билан боғлиқ воқеалар тафсилоти ҳақида шундай хотирлайди:

“ТошМИдаги туғуруқхона татмирланаётган экан. Шу сабабдан менда тўлғоқ бошланганида кўшнилариимиз Дамин Соҳибов билан Маждид ака докторларга югурдишди. ТошМИ клиникасидан доя хотин билан икки-уч профессор-гинеколог етиб келишди. Оғриқни ифода этишга ожизман. Шу дақиқа “Ўлишга ҳам розиман” деб тўлганар эдим. Ойбек ҳовлига қочиб кетди. “Энди ҳеч туғмасин! Шунинг ўзи етади!” деб йиғлабди у — бунӣ кўшнилар кейин кулиб-кулиб гапириб беришди.

Хатларнинг бир туркумини Ойбек домланинг туғуруқхонага ёзган мактублари ташкил этади. Бу хатлар ҳам умумхалқ мулки бўлишга ариштулик.

*“Зарифа!  
Кизимиз муборак!  
Мен уша ерда кутиб ўлтирган эдим. Ҳамида чиқиб “Қиз туғилди” дегач, шошиб қолдим. Ишонмадим. Қандай тез!.. Уйга югурдим. Уйда дадам ўтирган экан. У ҳам ҳайратда қолди. Жуда сунондик. Ош еб, кизга исм қидириб ўтирибмиз.*

*Аямега дадан хабар беражак.”*  
Ойбекнинг мактублари бугунги кунда бизга тўла-тўқис етиб келиши турмуш ўртоғи, биринчи ўзбек расом қизи, биринчи кимёгар, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, Беруний номидаги республика Давлат мукофотининг лауреати, кимё фанлари номзоди Зарифа опанинг хизматлари туфайлидир. Айнан шу хатлар ўша даврнинг тарихий йилномаси бўлиб қолди.

— Шароит тақозоси билан уйдан-уйга ижарадан ижара уйга кўчиб юришга тўғри келган. Лекин Зарифа опа кўлэмаларни авайлаб сақлаган, — дейди Раъно Иброҳимова. — Шу бос мактублар тўлалиқча етиб келган. Ойбек домла иш юзасидан узоқ юртларга кетганида ёзган мактубларини тадқиқ қилиш жараёнида жуда кўп чизгиларни аниқлашга тўғри келди. Баъзан одамлар бир оилада яшаса ҳам оила аъзолари билан мулоқотга вақт тополмайди. Лекин Ойбек мактубларида болаларининг дарслари, Бекжон тўполон қиялтиими-йўқми, ҳатто уй томи бўялган-бўялмагани билан ҳам кизиқди.

Ойбек ва Зарифа Саидносирова ўртасидаги муносабат, уларнинг бир бирига бўлган муҳаббати, садоқати, меҳри бугунги ёшларга ибрат бўларлик.

“Ойбек жуда келишган, кўркам, салобатли инсон эди. Юз ва кўзларининг ифодасидан руҳан бойлиги, ички дунёсининг кенглиги, ақл-заковати, гўзаллиги ва софлиги кўриниб турарди. Бунӣ рассомлар ҳам, ҳайкалтарошлар ҳам тўла ифода эта олмадилар. Бу мукаммал чехра фақат менинг юрагимда қолган”. Бу сўзлар қалби муҳаббатга тўла Зарифа Саидносированинг сўзларидир.

Ильмира РАҲМАТУЛЛАЕВА





## ҚЎРҚИТИБ ДАВОЛАБ БЎЛМАЙДИ

— Бола юрганида қоқилиб, ҳадеб йиқилаверишига сабаб нима?

— Агар бола юрган йўлида ҳадеб қоқилаверса, бунинг ҳам ўзига хос сабабини ахтариб кўриш керак. Биринчи навбатда, болани врач-ортопедга кўрсатганингиз маъқул: шифокор унинг бўғим, мускуллари ёки оёғи тузилишида нуқсон бўлишини ёки бошқа сабаб борлигини текшириб, хулоса беради. Бу жараёни психологик таҳлил қилсак, бола паришонхотир ёки ўта қизиқувчан бўлиши мумкин.

Кичик интойларимиз ҳамма нарсани кузатади: уларда ҳар қандай маълумотни қабул қилиш ва ўлаштириш эҳтиёжи кучли.

Хаёли чалғиб йўлига қарамаслиги натижасида қоқилади. Шунинг учун болакайга атроф-муҳитни, табиати тўлуғлигини, шовилмасликка ўргатадиган, саволларига астойдил, кунт билан жавоб берадиган доимий ҳамроҳ керак. Атрофдаги мавжудотлар масалан, қушлар, ўсимликлар, уйлар, иншоотлар билан суҳбат олиб бориш орқали боланинг эътиборини жалб қилиш ва диққатли бўлишга ўргатиб бориш лозим.

— Кўпича болаларда қоронғидан, ўзи елғиз қолишдан қўрқиб ҳолатини кузатиш мумкин. Қандай қилиб боладаги қўрқув фобиясини йўқотиш мумкин?

— Қўрқув кичик ёшдаги болаларга хос. Агар кичик интой ўта қўрқоқ бўлса, ота-она бунга бефарқ қарамаслиги, қўрқинчли эртақ, воқеаларни айтиб юрагига ваҳима солмаслиги керак. Психология фанида қўрқув билан юзлаштириш деган усул мавжуд. Масалан, бола ҳайвонлардан қўрқса, уни ана шу жонивор олдига етаклаб, бунинг ваҳимали эмаслигини тўғри тўшутириш, хусусиятларини айтиб бериш лозим. Ёш болани қоронғи хонага қамаб қўрқитилган бўлса, ундаги қўрқувни йўқотиш бир оз мушкул. Албатта, бунинг учун кўп вақт талаб қилинади. Бордию, бола улғайганида ҳам қўрқувни йўқолмаса, уни дарҳол мутахассисга олиб бориб, сабабини аниқлаб, психокоррекция ишларини олиб бориш мумкин. Инсондаги қўрқув-фобиясини мутахассис-психологга учрашиб, йўқотган маъқул. Ваҳима ҳар хил оқибатлар натижасида келиб чиққан бўлиши мумкин — автоҳалокат, фавқулодда вазият, ёки жанжалли тўқнашувлари шулар жумласидандир. Агар боладаги қўрқув катта ёшда ҳам йўқолмаса, бу жиддий масала. Фақатгина психологик муолажалардан кейингина даволаб, самарали натижаларга эришса бўлади.



Гулбахор Ниязметова — Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети амалий психология кафедраси доценти, психология фанлари номзоди.



Ширинхон МҲМИНОВА тайёрлади.

## Савол беринг, жавоб берамиз

### ТРАНСПОРТ ВОСИТАПАРИНИНГ ЁҚИЛГИСИГА СОЛИҚ ТўПАНАДИМИ?

Транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилгиси ва газ ишлатганлик учун олинadиган солиқ ҳақида маълумот берсангиз?

Рустам Нодиров,

Тошкент вилояти, Юқори-Чирчиқ тумани

Транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилгиси ва газ ишлатганлик учун олинadиган солиқ тўловчилари Солиқ кодексининг 301-моддасига асосан, транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилгиси ва газ ишлатганлик учун олинadиган солиқни тўловчилар охири истеъмолчиларга бензин, дизель ёқилгиси ва газни реализация қилишни, шу жумладан автомобилларга ёқилги қуйиш шохобчалари орқали реализация қилишни амалга оширувчи юридик шахслар ҳисобланади.

Бундан ташқари, Солиқ кодексининг 304-моддасига асосан транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилгиси ва газ ишлатганлик учун олинadиган солиқ солиқ солинадиган базадан ва белгиланган ставкалардан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқарилади.

Транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилгиси ва газ ишлатганлик учун олинadиган солиқни тўлаш транспорт воситалари учун ёқилги ва газ реализация қилинган ойнинг ўн кунлиги тугаганидан кейинги учинчи кундан кечиктирмай, ҳисоб-китоб тақдим этиладиган ерда ҳар ўн кунда амалга оширилади.

Солиқ кодексининг 302-моддасига асосан, транспорт воситалари учун бензин, дизель ёқилгиси ва газни охириги истеъ-

молчиларга реализация қилиш ёки улардан ўз эҳтиёжлари учун фойдаланиш солиқ солиш объектидир.

Бензин, дизель ёқилгиси ва газнинг натура ҳолидаги реализация қилинган ва ўз эҳтиёжлари учун фойдаланилган ҳажми солиқ солинадиган базадир.

Солиқ кодексининг 303-моддасига асосан, солиқ даври йил чораги ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 22 декабрдаги Қарорига асосан транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилгиси ва газ ишлатганлик учун олинadиган солиқнинг қуйидаги ставкалари белгилаб берилган:

Бензин ёқилгиси — 1 литр учун 335 сўм, 1 тоннаси учун 445 000 сўм; дизель ёқилгиси — 1 литрга 335 сўм, 1 тоннаси учун 407025 сўм; суюлтирилган газ 1 литр учун — 230 сўм; сиклиган газ 1 куб. метр учун — 275 сўм қилиб белгилаб берилди.



## ЧЕГИРМА ҚАНЧА?

Илк китобимни нашрдан чиқармоқчиман. Муаллифлик ҳақи тариқасида олинган даромадларга солиқ солинадими?

Илёс Алимов,

Тошкент вилояти, Чиноз тумани

Муаллифлик ҳақи тариқасида олинган даромадлар Солиқ кодексининг 189-моддасига асосан, декларация асосида солиқ солинадиган даромадлар таркибига киритилган.

Солиқ кодексининг 190-моддасига асосан фан, адабиёт ва санъат асарларини яратганлик ва улардан фойдаланганлик учун муаллифлик ҳақи тариқасида даромадлар олувчи жисмоний шахслар бундай фаолиятни яқка тартибдаги тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтмаган ҳолда амалга ошириш ҳуқуқига эга.

Ушбу моддага мувофиқ даромадларига жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи солинадиган жисмоний шахслар жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғини давлат солиқ хизмати органининг ёзма хабарномаси асосида тўлайди.

Фан, адабиёт ва санъат асарларини яратганлик ва улардан фойдаланганлик учун муаллифлик ҳақи олаётган жисмоний шахс даромадлар олиш билан боғлиқ даромадлар ва харажатлар ҳисобини юритиши шарт ҳамда у ижодий фаолиятни амалга ошириш билан боғлиқ, ҳақиқатда қилинган ва ҳужжатлар билан тасдиқланган харажатларини даромаддан чегириш ҳуқуқига эга, бироқ чегирма олинган жаами даромад суммасининг 30 фоизидан кўп бўлмаслиги керак.

Ифтихор СИДДИҚОВ тайёрлади.

ЭЪЛОН

Тошкент шаҳар Хўжалик судининг 2016 йил 16 мартдаги 10-1609/3387-сонли ҳал қилувчи қарорига асосан, Олмазор тумани ДСИдан рўйхатдан ўтган "AKVEST TECHNOLOGY" КҚ (СТИР 300755444) фаолияти тугатилди.

Давловлар эълон босилган кундан бошлаб икки ой мобайнида қуйидаги манзилгоҳда қабул қилинади.

Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Қорасарой кўчаси 269 уй. Телефон 140-94-30.

## Шифокор маслаҳати

### ҚОН КўПАЙТИРАДИГАН ДОРИДАН ИЧСАММИ?

— Ҳомиладорман. Оилавий поликлиникамизда қон таҳлили топширганимда, камқонлик аниқланди. Шундан сўнг, дори-душнос тавсияси бўйича қон кўпайтирадиган препаратларни ича бошладим. Мен тўғри йўл тутаялманми?

С.ОЛИМОВА,

Янгийўл тумани



Серка Каттаев — тиббиёт фанлари номзоди.

— Камқонлик тугилажак гўдакнинг анемия билан дунёга келишига сабаб бўлади. Бу эса бола саломатлигига хавф солиши мумкин. Шунинг учун бўлажак она ўзида камқонлик аниқланиши билан (айниқса, ҳомиладорлик ва эмизикли даврида) шифокор буюрган дори-дармонлар, хусусан, темир препаратларини ичиши шарт. Камқонлик гўмон қилинганда, аввало, унинг турини аниқлаб

олиш керак. Камқонликнинг шундай турлари борки, унда темир моддаси умуман мумкин эмас. Шунинг учун ҳар ким ўзбилармонлик билан қоним камайиб кетди, деб темир препаратларини қабул қилмаслиги керак. Фақатгина текширувлар хулосаси ва шифокор тавсиясига кўра даволаниш лозим.

— Сизга маслаҳатимиз шуки, гематолог шифокор кўригидан ўтиб, зарурий таҳлилларни топширинг. Бунинг натижасида қондаги тромбоцитлар миқдори аниқланади. Агар у кам миқдорда бўлса ҳам бурундан қон кетиш ҳолатлари кузатилади. Текширувлар, чиндан ҳам муаммо тромбоцитлар билан боғлиқлигини тасдиқласа, дарҳол уни бартараф этишга киришинг. Мабодо инкор этса, у ҳолда лор шифокори кўригидан ҳам ўтишингиз лозим.

Латофат САЪДУЛЛАЕВА тайёрлади.

## БУРУН НЕГА ҚОНАЙДИ?

— Баҳорда бурним кўп қонайди. Бунга сабаб нима?

Н.УЛАШЕВ,  
Термиз шаҳри





# ХОТИН-ҚИЗЛАРИМИЗ СПОРТДА ҲАМ ИЛДАМ

Бугун мамлакатимизда хотин-қизлар спортини ривожлантириш, опа-сингилларимизни спортга жалб этиш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, соғлом авлодни вояга етказиш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Айни кунда мазкур йўналишда эришилаётган натижалар салмоқли эканини алоҳида эътироф этиш лозим. Опа-сингилларимиз жаҳон ареналарида ҳам мамлакатимиз байрогини янада баланд кўтармоқда. Бунда албатта, мураббийларнинг алоҳида ўрни бор.

Республика Хотин-қизлар кўмитаси ҳамда Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамкорлигида Ўзбекистон Миллий Олимпиада кўмитасида 9 май — Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан «Уч авлод учрашуви» ўтказилди. Тадбирда ўзбек спорти ривожига муносиб ҳисса қўшган, халқаро миқёсда тан олинган ва бугун ёшларимизга мураббийлик қилаётган спортчи аёллар, ёш спортчилар қатнашди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар кўмитаси раиси Э.Боситхонова сўзга чиқиб, мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида хотин-қизлар спортига қаратилаётган эътибор, яратилган шарт-шароит ва уларни қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган ишлар юксак самара бераётгани ҳақида

тўхталиб ўтди.

...Дарҳақиқат, спортчи қизларимиз Ватан шайни жаҳон шох-супаларида муносиб ҳимоя қилмоқда. Қувонарлиси, Бразилияда бўлиб ўтадиган 2016 йилги ёзги олимпиада ўйинлари учун йўлланмани қўлга киритган спортчиларимиз 50 га яқин бўлса, уларнинг 17 нафарини хотин-қизлар ташкил этади. Улар орасида Ўзбекистон хотин-қизлари орасида илк бор бокс бўйича Олимпиада ўйинлари йўлланмасини қўлга киритган Ёдгорой Мирзаеванинг борлиги кўнглига фахр-ифтихор туйғусини солади. Нигора Турсунқулова ҳам спортнинг таэквандо йўналишида ёзги олим-

2013  
йилдан  
2015 йил-  
гача 487 халқаро  
мусобақа  
ўтказилди  
ва уларда  
1955 нафар  
хотин-қиз  
қатнаш-  
ди.



ада ўйинларига йўлланмани қўлга киритди.

— Спорт — ҳаётини мазмунли, — дейди у. Тинимсиз машқлар ва мураббийларим кўрсатмаларига амал қилиб, кўпгина ютуқларга эришдим. Жанубий Кореяда ўтказилган ўсмирлар ўртасидаги Осиё чемпионатида 3 карра олтин медал олдим, Қозоғистон очик чемпионатида галаба қозондим. 2015 йил Хитойда ўсмирлар ўртасида ўтказилган Осиё чемпионатида 2-ўринни қўлга киритдим. 2016 йили катталар ўртасида Ўзбекистон чемпиони бўлдим ва терма жамоага қабул қилиндим. Шу йилнинг апрель ойида эса катта ютуқларимдан бири — Филиппинда бўлиб ўтган мусобақада 2-ўринни эгаллаб, ёзги олим-

пиадага йўлланмани қўлга киритдим. Ҳозир Наталя Маматова қўл остида мусобақага тайёргарлик кўраяман. Бугун эътиборим ёзги олимпиада ўйинларида. Мақсадим — голиб бўлиш.

Бугун спорт билан мунтазам шуғулланаётган хотин-қизлар сони бир миллион нафардан зиёдни ташкил этмоқда. Йирик ва нуфузли мусобақаларда байрогимиз кўп бор баланд кўтарилди. Бугунгача олтин медаллар 3265, кумуш медаллар 3829 жами, 10339 тани ташкил этади.

2013 йилдан 2015 йилгача 487 халқаро мусобақа ўтказилди ва бу беллашувларда 1955 нафар хотин-қиз қатнашди. Қишлоқ жойларида бадний гимнастикага мўлжалланган ўнлаб мажмуалар бунёд этилгани, тўғарақлар ва спорт клубларининг фаолияти йўлга қўйилгани ютуқларимизнинг бош омилли,

десақ адашмай-миз. 40 нафарга яқин қизларимиз спорт соҳасидаги ютуқлари учун Зулфия номидаги Давлат мукофотига муносиб кўрилгани ҳам қувонарли. Бу аёллар спортининг кун сайин ривожланаётганидан далолатдир.

...Тадбирда Рио-де-Жанейро олимпиадаси йўлланмасини қўлга киритган спортчилар ҳам иштирок этиб, мамлакатимизда хотин-қизлар спортини ривожлантиришга қаратилган юксак эътибор учун Президентимизга миннатдорлик билдирди.

— Ютуқларим ортида тинимсиз изланиш ва мураббийлар меҳнати ётади. Ҳар бир машқни кунт билан бажараман. Ўйлайманки, ёзги олимпиада ўйинларида ҳам Ватанимиз байрогини баланд кўтариб, юртимизга ёруғ юз билан қайтаман. Бунинг учун бор имкониятларимни ишга соламан, — дейди баландликка сакраш бўйича халқаро тоифадаги спорт устаси Светлана Радзивил.

Тадбир сўнггида мураббийлар ташкилотчилар томонидан тақдирланди.

Ифтихор СИДИҚОВ,  
«Оила ва жамият»  
мухбири

## Навоий тиббиёт коллежи жамоаси 12 май — Халқаро ҳамширалар куни билан барча юртдошларимизни қутлайди!



Эл-юрт соғлиғи йўлида тинмай изланаётган ҳамширалар, доимо соғомон бўлинг! Хонадонингизга тўкин-сочинлик, тинчлик-тотувлик, касбу корингизга барака тилаймиз.



**БАЙРАМ МУБОРАК,  
АЗИЗ ҲАМКАСБЛАР!**



**Оила ва жамият**

Ижтимоий-сиёсий,  
маънавий-маърифий газета

**МУАССИСЛАР:**

Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, «Болалар ва оилаларни қўллаб-қувватлаш» ассоциацияси (Болалар жамғармаси) ва «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия фонди

Бош муҳаррир:  
Воҳид Луқмонов

Обуна  
индекси — 176

МАНЗИЛИМИЗ:  
Тошкент — 100000.  
Амир Темур кўчаси  
1-тор кўча, 2-уй.

Қабулхона: (факс)  
233-28-20, Котибият:  
233-04-35, 234-76-08

E-mail: oilavajamiyat@sarkor.uz

Web-site: oila-va-jamiyat.uz

Газета 2013 йил 20 мартда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 10-2995 рақами билан рўйхатга олинган. Буюртма Г — 536. Формати А-3, ҳажми 2 табоқ. Адади — 5830. Ваҳси келишилган нархда.

Босишга топшириш вақти — 15:00 Топширилди — 15:00

Масъул муҳаррир: **О. Жумабоев**  
Мусахихлар — **С. Сайдалимов,**  
**К. Адашбоева**

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди  
Саҳифаловчи — **А. Маликов**

ISSN 2010-7609

